

ЗИЛЗИЛА БИЛАН БОҒЛИҚ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ОҚИБАТЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ИШЛАРИ

Чинташев Одил Худайбердиевич
Фуқаро муҳофазаси институтининг
катта ўқитувчиси

Аннотация: *Мазкур мақолада ўтган аср давомида бўлиб ўтган кучли зилзилаларнинг оқибатлари таҳлил қилинган ва улардан мисоллар келтирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қутқарувчилари халқаро миқёсда зилзила оқибатларини бартараф этишда етакчи давлатлар қутқарувчилари билан бирга қутқарув ишларида қатнашиб келишганлиги ҳақида маълумотлар берилган.*

Юқорида қайд этилганлардан ташқари, ушбу мақолада зилзила билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар оқибатлари ва уларни бартараф этиш ишлари ёритилган.

Калит сўзлар: *Зилзила, фавқулодда вазиятлар, муҳофаза, ҳудудлар, хавфсизлик, аҳоли, хавфли ҳодисалар, офатлар, хавф, қутқарувчи.*

Зилзила - табиатда содир бўладиган энг хавфли ҳодисаларнинг биридир. ЮНЕСКО маълумотиغا кўра зилзила - юзага келадиган иқтисодий зарар ва инсонлар ҳалокати бўйича табиий офатларнинг ичида биринчи ўринни эгаллайди. Ҳақиқатда зилзила у рўй берган қисқа муддат ичида бир неча минглаб аҳолига эга бўлган шаҳарларни вайрон қилиш қудратига эга.

Шунга қарамасдан кишилар бундай хавф остида эсанкираб қолмасдан, унинг оқибатларини бартараф қилишга, шикастланганларга ёрдам беришга ошиқадилар ва харобалар ўрнида янада замонавийроқ масканлар барпо этадилар. Аввало, зилзила тўғрисида атрофлича маълумотга эга бўлиш учун ўтмишдаги ва ҳозирда бўлаётган зилзилаларнинг статистик кўрсаткичларига эътиборни қаратсак.

Зилзилани қайд қилиш бундан тўрт минг йил аввал бошланган бўлиб ХХI асрга қадар 671 та ҳалокатли зилзилалар қайд қилинган. Шулардан 82 таси ХХ асрга тўғри келади. Зилзилаларнинг даврийлигига эътибор берадиган бўлсак, бир йилда 8 балли (Рихтер шкаласи бўйича) зилзила битта; 7-7,9 балли - 18 та; 6-6,9 балли - 120 та бўлиши кузатилган.

Нисбатан кучсиз бўлган зилзилалар кўпроқ учрайди, яъни 3-4 балли зилзила бир йилда 49 мингтагача бўлиши аниқланган. Биргина ХХ аср

яқунида юз берган Эрон (1990) зилзиласида 50 минг, Туркиядаги (1999) зилзила чоғида 45 мингдан ортиқ одамнинг жабрланиши табиий офатлар ичида энг кам тарқалган зилзила нечоғли катта кучга эга эканлигидан далолат беради.

XX аср бошида тарихга “Андижон фожиаси” деб муҳрланган Андижон зилзиласи (3 декабрь 1902 й.) 50 минг аҳоли яшайдиган шаҳарни бир неча сонияда вайронага айлантирган.

Туркияда 2023 йил 6 февраль куни мамлакат тарихидаги энг кучли зилзилалардан бири юз берди, ер ости силкинишлари қўшни Сурияга ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. 7,7-7,8 магнитудали дастлабки зилзиладан сўнг сейсмологлар 300 дан ортиқ такрорий силкинишларни қайд этди, улар орасида

7,6 магнитудалиси ҳам бор эди. Минглаб бинолар, хусусан, турар жойлар, касалхона ва мактаблар вайронага айланди.

Туркияда содир бўлган аср фалокати - икки вайронкор зилзила оқибатида қурбон бўлганлар 40 642 кишига етди. Бу ҳақда Туркия ҳукумати ҳузуридаги Фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бошқармаси раҳбари Юнус Сезер, 18 февраль куни Анкарада ўтказилган брифингда маълум қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон қутқарувчилари халқаро миқёсда Туркиядаги зилзила оқибатларини бартараф этишда қатнашиб келишди. Кўпгина давлатлар қатори юртимиз қутқарувчилари ҳам бу инсонпарварлик тадбирида уюшқоқлик, юқори малака ва тезкор ҳаракат қилишда дунёнинг етакчи давлатлари қутқарувчилари билан бирга жонбозлик кўрсатишди.

Фавкулудда вазиятлар вазирлигига қарашли тез ҳаракат қилувчи республика кўп тармоқли марказнинг қутқарувчилари Ватанимиз байроғи остида энг кучли ва ҳалокатли табиий офатни оқибатларини бартараф қилиш тадбирларида мардонавор туриб, халқаро миқёсда Ўзбекистон Республикасининг обрўсига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистонлик қутқарувчилар Туркияда содир бўлган зилзила оқибатида жабрланганларни қидириб топиш, уларни хавфсиз жойларга олиб чиқиб тўплаш ишларида кўпгина мамлакатлар қутқарувчилари тажрибасидан қолишмаслигини амалда исботлаб беришди.

Аксарият ҳолларда зилзила бўлиб ўтгандан сўнг хавф тўғрисидаги тасаввуримиз кейинги зилзилагача сўниб боради. Яъни, фақат зилзила содир бўлганидагина унга тайёргарлик кўриш, маълум чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида ўйлаб қоламиз.

Зилзила билан боғлиқ фавкулудда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ишларини кўриб чиқамиз.

Зилзила билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда аҳолини хабардор қилиш, ҳамда уларни муҳофазасини ташкил этиш биринчи даражадаги вазифадир.

Ҳалокат содир бўлган ҳудудда шикастланганларга биринчи таббий ёрдам кўрсатиш ва уларни даволаш муассасаларига жойлаштириш тадбирлари амалга ошириш лозим. Бунинг учун эса уларни қидириб топиш, сонини, ҳолатини, шикастланганлик даражасини ҳамда ёрдам бериш навбатини аниқлаш керак бўлади.

Талафот кўрган жойларини разведка қилиб, олинган маълумотлар асосида ёнғинни ўчириш, унинг кўламини чеклаш, содир бўлиши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олиш ишлари олиб борилади.

Ҳалокат оқибатларини бартараф этишда бино, иншоотлардаги хавфли конструкцияларни мустаҳкамлаш ёки бузиб ташлаш, коммунал-энергетика тизимларидаги аварияларни бартараф этиш, технологик тизимларни тузатиш, бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни олиб бориш ҳам муҳим ишлардан ҳисобланади.

Зилзила билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ишларини олиб боришда одамларнинг жароҳатланиши ва ҳалок бўлиш хавфи пайдо бўлади. Шунинг учун техника хавфсизлиги талабларига риоя қилиш катта аҳамиятга эга.

Юқорида келтирилган маълумотлар аҳолини муҳофаза қилиш бўйича масулларнинг зилзила тўғрисида қисман маълумотга эга бўлишини таъминлаб, зилзила билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар оқибатлари ва уларни бартараф этиш ишлари тўғрисидаги, ҳар бир “Маҳалла фуқаро муҳофазаси” раҳбари учун жуда муҳим ва билиши зарур бўлган маълумотлар қаторига киради.

Шуни унутмаслигимиз керакки, ҳукумат томонидан қанчалик долзарб қарорлар қабул қилинмасин, “қутқарув хизмати” малакали мутахассислар, замонавий техника билан таъминланмасин, фуқаро муҳофазасига эътибор кучайтирилмасин, республика аҳолиси, айниқса вазирлик, идора, ташкилот раҳбарлари ёлпасига тайёргарликдан ўтмаса, бу тадбирлардан кутилганидек натижага эришиш ва энг муҳими хавфнинг олдини олиш, ундан келадиган зарарни камайтириш жуда мушкулдир.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида” ги 2022 йил 8 июл кундаги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ 144-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2023 йил 29 апрель кундаги 171-сонли Қарори.
4. Шойгу С. К., Фалеев М. И., Кириллов Г. Н. и др. Учебник спасателя/ под общ. ред. Воробьева Ю. Л. - 2-е изд., перераб. и доп. - Краснодар: «Сов. Кубань», 2002. Стр.78-83.
5. Чинташев О.Х. “Қутқарув ишларини олиб боришда қутқарувчиларнинг ҳаракати”. Ўқув қўлланма. ЎзР ФВВ Академияси ҳузуридаги ФМИ нашри, 2022. -80 б.
6. Абидова Ф:, “Фавқулодда вазиятларда аҳолининг ҳаракатлари бўйича тавсиялар”. Т.: ФМИ, 2017 йил. 36 б.